



Кун нафаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев жорий йил 21-22 июнь кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлди.



Женева шаҳрида Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ)га аъзо бўлиши бўйича Ишчи гуруҳининг 5-йиғилиши бўлиб ўтди. Ишчи гуруҳ йиғилишининг очилишида сўзга чиққан ЖСТ билан ишлаш бўйича идоралараро комиссия раиси – Бош вазир ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазири Сардор Умрзоқов мамлакат ташқи иқтисодий сиёсатида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири сифатида Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиши муҳимлиги ва устуворлигини таъкидлади.



Жорий йил 24 июнь куни Тошкент шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар энергетика вазирларининг иккинчи йиғилиши бўлиб ўтди.

22 июнь куни Спортни ривожлантириш вазирлиги, Миллий олимпия кўмитаси ва Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази (РСТИАМ), спорт федерация ва ассоциациялари мутасаддилари иштирокида онлайн йиғилиш ўтказилди.



Бухоролик ёшлар аналогли бўлмаган сунъий қўл яратишди. Янги технология нагиронлар учун мулкжалланган бўлиб, у мушакларга бириктирилган сенсор орқали сигнал олади. Уларни бошқарувчига юбориб, одамнинг аклий қобилияти натижасида ҳаракатга келади. У ишга тушгандан кейин лойиҳанинг нейрон тизим алгоритмлари, дастурий таъминоти учун патентлаштирилади.



Португалиянинг Мадейра шаҳрида пара сузиш бўйича ўтказилган Жаҳон чемпионатида матонатли спортчиларимиз 62 та давлат спортчилари билан кечган мураккаб баҳсларда 2 та бронза ва 1 та кумуш, жами 3 та медалга сазовор бўлди.



Қорақалпоқ давлат ёш томосабинлар театрида Қирғизистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Қайрат Иманалиев қаламига мансуб «Қорқит ота» спектаклининг премьераси бўлиб ўтди.

Келгуси сонларда ўқинг...

# Ishonch

2022 йил  
23 июнь  
пайшанба  
№ 79  
(4675)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz



Хушхабар

Фарғона вилояти

## 24 ЙИЛДАН СЎНГ

### ШОҲИМАРДОНДА БОЛАЛАР ОРОМГОҲИ ҚАЙТА ОЧИЛДИ

Фарғона туманининг Шоҳимардон қишлоғидаги «Ипакчи» болалар оромгоҳи 1998 йилгача ишлаб, кейин буткул ёпилган эди.

Орадан 24 йил вақт ўтиб, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгашининг ташаббуси билан ушбу оромгоҳ шоҳимардонлик ўғил-қизлар учун «Шоҳимардон» номи билан ўз эшикларини қайта очди. Тўрт томони тоғ билан ўралган сўлим оромгоҳда болажонларнинг мириқиб ҳордиқ чиқариши учун барча шароитлар яратилган.

– Жорий мавсумда 3 навбатда фаолият юритиши режалаштирилган оромгоҳда Шоҳимардон ва Ёрдон қишлоғи ва туманимизнинг бошқа ҳудудларидан ҳам 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган ўғил-қизлар мароқли дам олиб, саломатлигини мустаҳкамлайди, – дейди оромгоҳ раҳбари Элнора Бакирова. – Бугун уларнинг 80 нафари оромгоҳга қабул қилинди. – 24 йил давомида фаолият юритма-

ган оромгоҳни қайтадан ишга тушириш учун, аввало, катта меҳнат қилинди, ҳудудда кенг қўламли ободонлаштириш юмушлари олиб борилди, мавжуд бинолар тўлиқ таъмирдан чиқарилди, – дейди Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Фарғона вилояти кенгаши раиси Шоҳидохон Каримова. – Аҳамиятли томони оромгоҳга соғлиқни сақлаш ва таълим тизимида меҳнат қилаётган ишчи-ҳодимларнинг фарзандлари билан бирга, ҳудуддаги эҳтиёжманд, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзанд-

лари дам олдирилади. Шу сабабли ҳам барча йўлланмалар бепул. – Шоҳимардон қишлоғида болалар оромгоҳининг очилиши қувончли воқеа бўлди, – дейди Фарғона тумани ҳокими ўринбосари Илҳомжон Топўлатов. – Бу хайрли иш бутун шоҳимардонликларнинг қалбига қувонч олиб кирди. Чунки, улар бу кунни орзиқиб кутишган эди. – Оромгоҳ очилишини эшитиб, неварамни олиб келдим, – дейди Хадичахон Охунова. – Шароитлар билан танишдим. Аъло даражада. Бунинг учун

касаба уюшмаларидан миннатдоримиз. – Қишлоғимизда мана шундай чиройли оромгоҳ очилганидан хурсандман, – дейди Дилором Мирзақамолова. – Бу ердаги шароитлар менга ёқди. Дўстларим билан бирга рақс, мусиқа, рус тили тўғрисида қатнашмоқчиман. Шу куни болажонларга Фарғона вилояти стоматологияси поликлиникаси томонидан гигиеник воситалар совға қилинди.

Жамшид ЭРГАШЕВ, «ISHONCH»

«Ishonch»га жавоб берадилар

## ЧОРАЛАР КЎРИЛМОҚДА

«Ishonch» газетасининг 2022 йил 14 майдаги сонидан чоп этилган «Эрта-индин қачон келади?» сарлавҳали мақолага Сурхондарё вилояти ҳокимлиги қуйидагича муносабат билдирди:

«Мақолада келтирилган ҳолат Ишчи гуруҳ томонидан ўрганилди. Ҳақиқатдан 2019 йилда Қумқўрғон туманидаги 101-сонли оилавий поликлиника «Обод маҳалла» дастури асосида икки босқичда қайта реконструкция қилиниши белгиланган. Бутун дунёда бўлгани каби мазкур муассасада қурилиш таъмирлаш ишлари «Covid-2019» пандемияси даврида орқага сурилиб кетган. Натижада белгиланган режани амалга ошириш учун ўтган йилларда объектни инвестиция дастурига киритиш бўйича таклифлар киритилган. Ҳозирда маҳаллий бюджетнинг орттириб бажарилган қисми ҳисобидан маблағ ажратиб, объектнинг иккинчи босқич ишларини амалга ошириш чоралари кўрилатганини маълум қиламиз».

Сурхондарё вилояти ҳокимининг ўринбосари И.Сапаров



Таклиф


## Дунёвийлик аниқ белгилаб қўйилса...

Ўзбекистон – дунёвий давлат. Бу эса барча соҳаларда, жумладан, диний соҳада ҳам инсонларнинг виждон эркинлиги таъминланади деганидир.


Ф ақат дунёвий давлатгина эътиқод эркинлигини тўлиқ таъминлашга қодир. Чунки у, аввало, сиёсий партиялар ва диний жамоаларнинг ички ишига аралашмайди. Шунингдек, бирор партия ёки дин манфаатларини кўзлаб, бошқа сиёсий ва диний жамоалар фаолиятини бевосита ёки билвосита чекламайди. Қолаверса, дин ҳам давлат сиёсатига аралашмайди. Дунёвийлик – дахрийлик эмас. Бу шаклда давлат қонунлар билан мустақамлаб қўйилган ҳуқуқий нормалар асосида жамиятда диннинг ролини таъминлайди, давлат фуқаролар ҳуқуқларини таъминлашда диний қарашларга эмас, тенглик принципига таянади. Ўзбекистонда 16 та диний конфессия мавжуд. Асосий Қомусимизнинг 31-моддасига кўра, ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланган, ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга, шунингдек, диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди. Давлат ўзининг ички ва ташқи сиёсатини юритишда динийлик ва илоҳийлик принципларига таянмайди. Давлат барча конфессияларга диний бағрикенглик асосида муносабатда бўлади, агар дин қонунга хилоф равишда иш юритмаса, диннинг ишига аралашмайди. Дунёвий давлатда дин ўзининг маълум ўрнига эга бўлади. Чунки, дин давлатдан ажратилган бўлса-да,

жамиятдан ажратилмаган. Конституциянинг 61-моддасида: «Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди» деган қоида мустақамланган. Юқоридаги қоидаларни бошқа давлатлар Конституцияларида ҳам учратиш мумкин. Масалан, Озарбайжон Конституциясининг 18-моддасида: «Озарбайжон Республикасида дин давлатдан ажратилган. Барча динлар қонун олдида тенгдир», дейилган бўлса, Россия Федерацияси Конституциясининг 14-моддасида: «Россия Федерацияси дунёвий давлатдир. Ҳеч бир дин давлат ёки мажбурий дин сифатида ўрнатилиши мумкин эмас. Диний бирлашмалар давлатдан ажратилган ва қонун олдида тенгдир» дейилади. Юқоридагилардан келиб чиқиб, биз Конституциямизнинг 61-моддасини «Ўзбекистон Республикаси – дунёвий давлат. Ҳеч бир дин давлат дини ёки мажбурий дин сифатида ўрнатилмайди. Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди. Диндан жамоат тартибини бузиш, фуқароларнинг соғлиғига зарар етказиш ва давлат таълим тизимига зарар етказиш учун фойдаланилишига йўл қўйилмайди. Диний ташкилотлар ва диний ишлар ташқи назоратдан холи» деган жумлар билан тўндириш ўринли деб ҳисоблаймиз.

Дилдора ЮСУПОВА, Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университети доценти, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент



АЪЗОЛАР КАСАБА УЮШМАЛАРИДАН РОЗИМИ?



БАХТ БОЙЛИК БИЛАН ЎЛЧАНМАЙДИ



Навоий вилояти

Фаолият

Ўзбекистон касабамалари Федерацияси Навоий вилояти кенгаши Ижроия қўмитасининг навбатдан ташқари кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

МУҲИМ ВАЗИФАЛАР ТАҲЛИЛИ

Унда тилга олинган камчиликларни бутунлай бартараф қилиш ва бу тўғрида кенгашига тўлақонли маълумот тақдим этиш, барча маълумотларни умумлаштирган ҳолда Ўзбекистон касабамалари Федерацияси кенгашига тақдим этиш мажбурийлиги юзасидан қарор қабул қилинди.

Йиғилиш сўнгида Ўзбекистон касабамалари Федерацияси Навоий вилояти кенгаши раиси Назира Тоғаева юқори касабамалари органлари томонидан ўрта ва кўйи бўғинларга ҳамда бошланғич ташкилотларга бериладиган амалий ёрдам кўламини кенгайтириш, уларга шартномавий, услубий ва норматив ҳужжатларнинг ўз вақтида етказилишини таъминлаш зарурлиги ҳақида тўхталди. Шунингдек, амалдаги қонун ва қонунчи ҳужжатларига асосан ходимларга тўланаётган иш ҳақи уларнинг малака даражасига мувофиқлигини қаттиқ назоратга олиш энг асосий вазифалардан бири экани таъкидлаб ўтилди.

Йиғилишда галдаги устувор вазифалар белгилаб олинди.

Нормурод МУСОМОВ, «ISHONCH»



Тошкент вилояти

Табиат бағрида мароқли ҳордиқ

Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касабамалари Республика кенгаши ҳамда «Тошкент минтақавий темир йўл узели» унитар корхонаси «ИМКОН» реабилитация марказининг 120 нафар тарбияланувчиси учун бир кунлик ҳордиқ уюштирди.



«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ тасарруфидаги «Қибрай» болалар соғломлаштириш оромгоҳида ташкил этилган тадбирда болажонларга турли дастурлар намойиш этилди. Хусусан, турли кўрик-танловлар ва «Темирйўлчилар» маданият саройи вакилларининг чиқишлари уларга хуш кайфият бахш этди.

Табиат қўйнида мазмунли ҳордиқ чиқарган ўғил-қизларга «Тошкент минтақавий темир йўл узели» унитар корхонаси томонидан эсдалик совғалари улашилди.

Лола МЕРГАНОВА,

Темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касабамалари Республика кенгашининг Маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими mudiri



Тадбир



Хоразм вилояти

Шавкат ака эрталаб ишга отланар экан, бугунга режалаштирган ишларини яна бир бор хаёлидан ўтказди: «Туман кенгаши билан боғланиш керак, зарур топшириқлар бор... Боғотга ҳам бориш керак. Йўл-йўлак Хонқадаги фермер хўжаликларда ғалла йғим теримида техника хавфсизлиги билан ҳам танишиш зарур. Урганч тумани кенгашида нодавлат ташкилотларни аъзоликка жалб қилиш борасидаги ишларни таҳлил қилиш лозим...»



Очерк

СУРУРЛИ ЙЎЛЛАР

ерда иш ўрганган, илк муваффақиятларига эришган. 2019 йил Хонқа туманидан халқ депутатлари вилоят кенгаши депутатлигига сайланган. Ҳозир халқ вакили сифатида хонқаликларнинг қатор муаммолари ҳал қилинишида ҳисса қўшмоқда.

Шавкат Сафарбоев агро-санот мажмуи ходимлари касабамалари Республика кенгашининг Хоразм вилояти бўйича масъул ташкилотчиси сифатида фаолият юритиб келиб келган. Шу марказ ходимлари ишларида ривож тилаб, касабамалари аъзоларининг афзалликлари тарғиб қилиш учун ҳам бораётган, — деди Реймбой Шерзонов.

Шавкат ака ишга келгунча, яна иккита туман кенгаши раиси билан суҳбатлашди.

Қабулхонада уни эллик ёшлардаги икки аёл кутиб ўтирган экан. Уларнинг дардида қулук тутди. Аёллар анча йиллардан бери фермер хўжалигида ёлланма ишчи бўлиб ишлашаркан.

— Меҳнат дафтарчамиз йўқ. Уч-тўрт йилда пенсия ёшига етмай. Шунга... Шавкат Сафарбоев аёлларнинг манзилни ёндафтарига ёзиб олди. Туман кенгаши раиси билан боғланиб, аёлларга ёрдам бериш кераклигини айтиди. Аёлларнинг ўзлари эса меҳнат стажини юритиш тартибларини, хусусан, ўзини ўзи банд қилган шахсларга, мавсумий ишчиларга иш ҳақи, солиқлар қандай ҳисобланиши, пенсия жамғармаси ҳақида тушунча берди.

— Буларни билмас эканмиз, бугунёқ бандлик идорасига бориб, рўйхатдан ўтамиз, — дейишди улар.

Сафарбоев хонасида яна бир-икки юмушларни бажариб бўлган, Боғот тумани томон йўл олди. Йўл-йўлак Хонқа туманидаги «Jamol Katol tex group» МЧЖга кириб, бу ердаги шароитлар билан танишди.

«Икки йил аввал вилоят кенгаши депутати сифатида маҳалла аҳли билан суҳбатлашганда бир йигит тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш нияти борлигини, аммо маблағ етарли эмаслиги сабаб мақсадини амалга оширолмаётганини айтганди. Сафарбоев ёш тадбиркор билан дилдан суҳбатлашди... Қисқа фурсатга юқорида тилга олинган МЧЖ ташкил қилинди. Касабамалари томонидан 150 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилиб, 15 та янги иш ўрни яратилди. Ҳозирда бу ерда асосан кийимлар, чойшаб жилдлари тайёрланмоқда. Ишчилар учун муносиб иш шароити яратилган. Яхши ишлаганлар қўшимча рағбатлантирилмоқда.

Масъул ташкилотчи Хонқага бориб, туманда ғалла ўрими жараёни билан ҳам танишиш ва меҳнат муҳофазасини кучайтириш, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш юзасидан тавсиялар берди.

Хонқа тумани унинг ҳаётида алоҳида ўрин тутади. У 1986 йил Тошкент давлат политехника институтини тамомлаб, йўланма билан Хонқа дон маҳсулотлари комбинатига ишга келган. Шу

лан суҳбатлашди. ... Урганчага қайтишда яна ёшлик даврларини эсга олди. Хонқа туманидаги уч йиллик фаолиятдан сўнг муайян тажрибага эга ёш мутахассис 1989 йили ота юрти Шовотга қайтди. Унга Шовот дон маҳсулотлари комбинати устаси лавозимини тақдир қилишди. Бу корхонада Хонқадаги каби шарт-шароитлар йўқ эди. Кўп ишлар қўлда бажариларди. Техникалар эскилиги туфайли тез-тез бузиладди. Ярим кечаси ҳам ишга чақиришарди. Бу ҳолат олти ойларча давом этди. Ниҳоят, уни тунда безовта қилмайдиган бўлишди. Шунда Реймажон опа ҳавотирланиб, ўғлидан сўради: — Болам, тинчликми, сени кечаси чақирмайдиган бўлишди, нима, хато қилиб қўйдимми? Шавкат яйраб кулди: — Йўқ, она, аксинча, техникаларни бузилмайдиган қилиб қўйдим... — Худого шукур, — жилмайдиган она.

Ёш мутахассиснинг билимдонлиги, ишга муносабати раҳбарлар назарига тушганди. Бир йил ўтмай, уни назорат ўлчов асбоблари ва автоматика муҳандиси, яна бир йилдан сўнг бош муҳандис лавозимига тайинлашди. Шавкат Сафарбоев «Шовот дон» корхонасида турли лавозимларда ўн етти йил фаолият кўрсатди.

2002-2003 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридagi Давлат ва жаҳият қурилиши академиясида таҳсил олди. Шу жараёнда сиёсатга қизиқиш пайдо бўлди. Кейинчалик, Хоразм вилояти ҳокимлиги мутахассиси, вилоят «Чорва ва озуқа» бош бирлашмаси раиси, вилоят «Давлат мулкни ижарага бериш маркази» давлат унитар корхонаси бўлим бошлиғи, корхона директори, Савдо-санот палатасининг Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи, O'zLiDeP Хоразм вилояти кенгаши раиси бўлиб ишлади.

2019 йилдан буён агросанат мажмуи ходимлари касабамалари уюшмаси республика кенгашининг Хоразм вилояти бўйича масъул ташкилотчиси.

— Жаҳият ривожига, аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишда касабамаларининг ўрни алоҳида, — дейди Шавкат Сафарбоев. — Айни даврда кооперациялар ташкил қилишда, аҳолининг, айниқса, хотин-қизлар бандлигини таъминлашда жамоат ташкилотнинг кўмаги катта бўлмоқда. Мен шу ташкилот вакили эканимдан ғурурланаман.

«Боғотдан қайтган Сафарбоев яна ишга шўнғиди: болажонларни ёғри соғломлаштириш оромгоҳларига жўнатиш, бошланғич ташкилотларга амалий ёрдам кўрсатиш, нодавлат секторни аъзоликка жалб этиш...»

Уйга кечроқ борган масъул ташкилотчининг бир иш куни шундай сермазун, серқирра кечди. Эртанги унинг янада фарҳади кунлар кутмоқда...

У Боғот туманида янги ташкил қилинган тикувчилик цехи фаолияти билан танишди. «Гулшан» маҳалласидаги хусусий корхона иссиқхонасида ишлаётган «Аёллар дафтари»га қиритилган 30 нафар хотин-қизнинг иш билан таъминлангани ҳақонийлигини ўрганди, ҳар бир аёл би-

...

...

Мухаббат Тўрабоева, «ISHONCH»



Фарғона вилояти



Ёғри соғломлаштириш

Болаларни жисмонан чиқариш мақсадида болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари томонидан оммавий спорт турлари бўйича оромгоҳ биринчилиги, «Кувнок стартлар», «Спорт — соғлиқ гарови», «Балли, йигитлар», «Балли, қизлар» каби спорт тадбирлари ташкил этилмоқда.

Хусусан, Кувасой шаҳридаги «Нихол» болалар соғломлаштириш оромгоҳида давлатимиз раҳбари томонидан илгари суртилган 5 та муҳим ташаббус доирасида 8 та тўғрақ фаолият олиб бормоқда. 170 нафардан зиёд ўқувчи гуруҳларга бўлинган ҳолда тасвирий санъат, инглиз тили, шахмат-шашка, футбол, волейбол каби турли тўғрақларда ўз иқтидорларини ривожлантиришмоқда. Ўтказилаётган турли танлов ва мусобақалар дам олувчиларда катта таассурот қолдираётди.

Ғанишер ПАЙЗИЕВ,

Ўзбекистон касабамалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгашининг Маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими mudiri

Таассуротлар бир олам

Айни пайтда Фарғона вилоятида 17 та стационар оромгоҳ фаолият юритмоқда. Мазкур дам олиш масканларида болажонларнинг иқтидорини юзага чиқариш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, спорт билан шуғулланиши ва таътилни таассуротларга бой ўтиши учун барча шароитлар яратилган.

Мавсумда 5 босқичда стационар оромгоҳларда 11 минг нафар болажоннинг ҳордиқ олиши режалаштирилган бўлиб, биринчи босқичнинг ўзида 2800 нафардан зиёд ўғил-қиз ўз вақтларини мазмунли ўтказишмоқда. Вилоят бўйича 123 та кундузги оромгоҳда эса 21 минг 500 нафар болани дам олдириш ва соғломлаштириш кўзда тутилган.



Андижон вилояти

Андижон вилояти Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бошқармаси ҳоким ёрдамчилари амалга ошираётган ишлар билан оммавий ахборот воситалари вакиллари таништириш мақсадида пресс-тур уюштирди.

Тадбир қатнашчилари дастлаб Андижон шаҳридаги «Dinar Group» тўқимачилик фабрикаси ва Асакадаги «Асакатекстиль» мажмуасидаги ишлаб чиқариш жараёнлари билан яқиндан танишдилар. Эътиборли жиҳати, салкам 9 миллион долларлик тайёр маҳсулотни экспортга чиқаратган «Асакатекстиль»да 1200 нафар ёшлар ойига ўртача 2,5-3 миллион сўмдан маош олиб ишлашмоқда. Ҳоким ёрдамчиси ва мазмурият ҳамкорлиги натижасида «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га қиритилган маҳаллий аҳоли бандлиги таъминланмоқда.

Асакининг «Баҳрин» маҳалласида яшовчиларнинг аксарияти парранда боқининг ҳадисини олишган. 75 ёшли Раҳмонали Мирзажонов келини Нафисахонни «паррандачилик фанлари доктори», дея таърифлади. Бу бежиз эмас. 8600 бош товуқ ва бойлер жўжаларини 10 кун боқиб, 15 миллион фойда олиш учун «фан доктори» бўлишдан ташқари, эртдан кечгача тинмай ишлаш ҳам керак...

Шундан сўнг иштирокчилар шахрихонлик азалдан қўли гул хунарманд, 50 йиллик тажри-

Ҳоким ёрдамчиси астойдил ишласа...

бага эга Ёрқиной Тўйчиеваннинг дўппидўзлик фаолияти билан танишдилар. Унинг фаолияти барчани мамнун этди.

Пресс-тур қатнашчилари фаолияти билан танишган Хўжаобод туманидаги «Навигул» масъулияти чекланган жамятининг мевасабзавотларни қайта ишлаш корхонасида бугундан бўшган 80 гектар ерга ўтказиш учун брокколи карам, булғор қалампери ва гулқарам кўчатлари тайёрланаётган экан. Бу ниҳоллар унинг-ўсган, ҳосили айнан «Навигул»нинг ўзига нақд пулга сотилар, натижада 38 та маҳалладаги 300 та хонадоннинг ҳар бирига ўртача 5 миллион сўмдан қўшимча даромад келтирар экан.

Журналистлар кўчаларга сўриток қўриб, ширин-шакар узум етиштираётган бўлоқбошилиқлар меҳнатига ҳам таҳсинлар айтишди.

— Биргина «Учкўча» маҳалласининг ўзида 21 та хонадон эгаси имтиёзли кредитлар эвазига узум етиштириб, 4-5 миллион сўмдан қўшимча фойда олишни кўзламоқда, — деди Булоқбоши тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Бунёдбек Бувамаатов. — Тумандаги 11 та маҳалланинг 40 та кўчасида 10 километрдан зиёд узунликда жами ҳажми 100 гектарга тенг

сўритоклар барпо этилган. Кўча бўйларидан шу йўсинда унумли фойдаланиш ҳисобига ҳам ер тежалантириш, ҳам мўмай даромад олинапти. Россия бозорида харидоригир узумларни сотиб олаётган экспортёрлар шундоққина ишқомлар тағида пулни миришқорларга санаб беришяпти.

Кейинги манзилда — Қўрғонтепа тумани «Учқун» маҳалласининг ҳоким ёрдамчиси Илёмбек Тожидинов мисолида тумандаги тизим фаолияти бўйича тақдимот ўтказилди. Илёмбек олий маълумотли иқтисодчи, маҳаллий ҳокимликнинг иқтисодий бўлимида ишлаб, етарли тажриба орттирган. Шу боис хатлов натижаларига кўра, маҳалла аҳли фаровон турмуш кечириши учун нималар қилиш зарурлигини аниқлашда қўйналмади.

Пресс-тур давомида улкан бунёдкорлик майдонига айланган «Янги Андижон», «Андижон фармзона» ҳудудидagi «Фармопарк», Марҳамат туманидаги «Буюк маскан» савдо ва кўнгилочар маскани фаолияти билан танишиш имконияти яратилди.

Анваржон ҲАЛИМОВ, «ISHONCH»

Пресс-тур



Мактаб даҳлизида қизимнинг дарси тугагани кутиб ўтиргандим. Бир маҳал бу ўқув даргоҳига беш-олти нафар «текширувчи» кириб келди. Уларни мактаб директоридан тортиб ўқитувчиларга — барчаси қўларини кўксига қўйиб кутиб олишди, аммо меҳмонлар лоақал саломга алик ҳам олмай ўқитувчилар хонасини «ишғол» қилишди. Кейин баъзилари қўлида дафтар билан машғул ўтилаётган синфхоналар сари равона бўлишди. Мактаб директори ва ўринбосарларининг оёғи қалтирашидан бу «комиссия» аъзолари юқори органдан бўлса керак, деган хаёлга бордим. ХТБ методисти эса «Мана шу кўрсатма бўйича тумандаги мактабларни текширяпмиз», деди. У кўрсатган қоғоз сиртида «2021-2022 ўқув йили давомида фан ўқитувчиларига методик кўмак бериш, уларни қўллаб-қувватлаш ва малакасини ошириш бўйича режа» деган ёзув бор эди. Мен уни ўқигач, директорга булар текширувчилар эмас, аслида методик кўмак берувчилар эканини тўшунтиришга уриндим. Бироқ у қон босимини туширувчи дори ичаётиб, ходимларига «мошнинг обед» тайёрлашни буюрди...

**РАҚАМЛИ БОШҚАРУВ ДАВРИ**

Аслида электрон технологиялар ривожланган бугунги кунда узоқ масофага хабар етказиш ёки ҳужжатларни тақдим этиш учун минглаб чақирим йўл босиш шарт эмас. Чунки муҳим аҳамиятга молик масалалар ҳам 30 дақиқалик видеоконференцияда ўз ечимини топиши мумкин. Фақат бунинг учун мақсад қатъий бўлса, бас. Борди-ю, у қоғозда бошқа, амалда бошқа бўлса-чи?..

Айрим туман халқ таълими тизимларида эскича бюрократик усулда ишлайётган, ходимларни қўллаб-қувватлаш ўрнига уларга ҳужмронлик қилишга иштиёқманд кадрлар ҳамон топилади. Республикада бугунги кунда 208 та туман (шаҳар) халқ таълими бўлими (ХТБ) мавжуд. Уларда 7369 нафар ходим фаолият юритмоқда. Мезърий ҳужжатларда умумий ўрта ва мактабдан ташқари давлат таълим муассасаларида ўқув-методик фаолиятни мувофиқлаштириш ҳамда АКТни жорий этиш асосий вазифаси этиб белгиланган туман (шаҳар) ХТБ фаолиятини назорат қилиш 14 та ҳудудий бошқармадаги халқ таълими ходимларининг ҳам зиммасига юклатилади. Демак, педагогнинг иши мактабдаги фан методик бирлашмасида, бирлашмадан кейин туман (шаҳар) ХТБ методисти ва ундан кейин бўлим бошлиғи ва ҳоказо бошқарма методисти ҳузурига ҳисобот тарзида етказилади ва таҳлил этилади. Айни чоғда, 10 мингдан зиёд умумтаълим муассасасидаги директорларнинг ўқув ишлари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари тинимсиз ҳаракатда эканини ҳам эсдан чиқармайлик. Бу ишлар жамланмаси Халқ таълими вазирлигида таълим ислоҳоти учун ўрганилади. Барча расмиятчиликдан ягона мақсад ўқувчининг сифатли билим олиши бўлса, «Шолгом» эртагидаги «бобо бувини чақирибди, буви на-



# Халқ таълими бўлимлари ва «комиссия»лар керакми?

бирасини...» каби овозгарчилик ва қоғозбозлик керакми, деган савол туғилади. Бизнингча, ушбу тизим бошқарувида ҳам электрон ёки тўғридан-тўғри мактаб директори билан замонавий ишлаш амалиётига асосланган тамойилни синиб кўриш вақти аллақачон келган.

Масаланинг яна бир ачинарли томони — бу занжир ўқитувчига услубий ёрдам бериш ўрнига унинг ишини текширадиган «комиссия»лар сонини кўпайтиряпти. Ҳолбуки, ҳукуматнинг 2019 йил 25 апрелдаги қарори билан тасдиқланган «Умумтаълим муассасалари фаолиятини текшириш тартиби бўйича» Низомда мактабни текшириш ваколатига эга 6 та давлат органи белгилаб қўйилган. Аниқроғи, бу ишлар Ички ишлар, Бандлик ва меҳнат муносабатлари ҳамда Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, ёнғин хавфсизлиги хизматининг махсус бўлинмалари, санитария-эпидемиология назорати республика марказлари, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан амалга оширилиши, жараёнда

9-10 ларда бериб, соат 12 га қадар бажарилишини талаб қилишади. Бу пайтда мактаб жамоаси дарс ўтиш билан банд бўлади. Оқибатда топшириқни бажармаган мактабларнинг узун рўйхати эълон қилиниб, «билдирги»лар ёзилади.

Ҳозирги ХТБлар фаолияти деярли мана шундай тарзда кечади. Биргина мисол: эрталабки йиғилишда мактаблараро ўтказиладиган «Заковат» интеллектуал ўйини координаторлари учун соат 15:00да «Zoom»да йиғилиш бўлиши айтилди. Бу йиғилиш учун қилинган ишлар тартиби ва рўйхатининг электрон ҳаволасини директорнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарига тақдим этиш ва мактабимизнинг телеграм гуруҳига жойлаштириш вазифаси топширилди. Биз топшириқни бажардик, аммо маънавиятчимиз туман ХТБга бориб, йиғилишда қатнашимиз лозимлигини хижолатомуз эслатди. Мен «Zoom»да ўтказиладиган йиғилиш учун бориш шарт эмаслигини тўшунтирдим. ХТБ масъул ходими эса боришимиз зарурлигини ўқтирди. Мен, барибир, йиғилишга бормадим. Янада тушунарлироқ қилиб айтганда, салкам 40 йиллик педагогик фаолиятим давомида илк бор раҳбарлар йўриғига юрмадим...

мактаблар ривожланишини назорат қилади. Сингапур ҳозир ўз миллий бюджетининг бешдан бир қисмини таълимга сарфламоқда. Шунга қўра, у Осиёнинг энг қашшоқ давлатидан иқтисодий кучли ва турмуш даражаси энг юқори мамлакатга айланади.

Японияда мактаб таълими губернаторлар томонидан тайинланадиган 3-5 кишилик таълим кенгаши орқали бошқарилади. Бу давлат таълим бошқарувида маҳаллий бирликларга жуда катта мустақиллик берилган бўлиб, таълим сифати, аввало, ўта кучли рақобат натижасида таъминланади. Таълимда бир босқичдан иккинчисига ўтиш имтиҳонлари шу даражада қатъий ва шаффоф синовлар воситасида бўладики, натижада ойига 5 минг доллар тўлаб ўқийдиган бола билан оддий муниципалитет мактаби ўқувчисининг имкониятлари тенглашади.

Бельгияда эса Халқ таълими вазирлиги йўқ, бу борадаги барча бошқарув маҳаллий раҳбарлар (мэрлар) ва кенгашлар зиммасида бўлиб, мактабларга жуда катта мустақилликлар берилган.

**ТАЪЛИМ СИФАТИ УЧУН МАСЪУЛ САНАЛГАН МЕТОДИСТ КИМ ҲАМ?**

Уч йил аввал Республика таълим маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари, шунингдек, туман (шаҳар) ХТБларда умумтаълим фанлари бўйича методист ўрнига ментор лавозими жорий этилиши, менторлар ўқитувчиларга услубий кўмакдош бўлишлари, уларнинг билим-кўникмаларини оширишга ҳисса қўшишлари лозимлиги айтилганди. Афсуски, номи ўзгаргани билан иш сифати ўзгармади. Мактабдаги олий маълумотли, пухта билим ёки бой тажрибага эга, ўз устида ишлайдиган мутахассисларга ҳақиқий методикани ўргата оладиган методистларни топиш мушкул. Қолаверса, кўп йиллик тажрибага эга, билимли устозларга методистнинг кераги ҳам йўқ. Ёш педагоглар улардан «устоз — шогирд» анъанаси бўйича билмаганларини ўрганишлари мумкин.

**Дилноза АҲМЕДОВА, Тошкент туманидаги 17-мактаб директори, олий тоифали педагог:**

— Мен хоржий таълим тажрибасига кўп қизиқаман, уларнинг бошқарув тизимига ҳавас қиламан. Қаранг, Японияда ҳам халқ таълими бўлими деган тизим йўқ экан, олий ўқув юртини битирган ёш педагогга ўқитувчи бўлиб ишлаш ҳуқуқи берилишидан олдин у ёрдамчи ўқитувчи сифатида ишлаб, тажриба орттирар экан. Бизнинг ХТБларда эса кейинги вақтларда мактабда дарс беролмайдиган, ўқувчиларни тинчлантира

**ХОРИЖ ТАЖРИБАСИГА НАЗАР**

АҚШда бола 11 ёшга тўлгач, ўрта мактаб даври бошланади. Бу вақтда ўқувчилар бир қатор мажбурий фанлар (*математика, инглиз тили, табиий фанлар, ижтимоий таълиқотлар, жисмоний тарбия ва санъат*)ни ва танлаш учун бир нечта фанларни (*хоржий тил, санъат ва технология, журналистика, риторика, театр санъати ва бошқалар*)ни ўрганади. Буларнинг барчаси давлат томонидан федерал, штат-тўзада маҳаллий ҳукуматлар даражасида назорат қилинади ва молиялаштирилади. Ушбу мамлакатда таълим тизимини бошқариш, аввало, бозор қонунларига таянади. Демак, таълим сифатига талабни ҳам бозор белгилаб беради.

Финляндия мактабларида имтиҳонлар ўтказилмайди, ўқувчиларро фарқ, яъни билим-савия жиҳатидан табақалашув сезилмаслиги талаб этилади. Мамлакат Миллий таълим кенгашида Таълим ва маданият вазирлигининг болалар бөғчалари, мактабгача таълим, асосий мактаб ва қўшимча мактаб таълими, олий (гимназия) ўрта таълим муассасаларини назорат қилувчи ва бошқарувчи бўлинимаси мавжуд. Бу ерда бошқарув тамойиллари ахборот, қўллаб-қувватлаш ва молиялаштиришдан иборатдир.

Сингапурда таълим тизими Таълим вазирлиги томонидан юритилади. Вазирлик 10 та низом кенгашларини, жумладан, давлат ва хусусий

**Халқ таълими вазирлиги диққатига!**


олмайдиган, техник ишларни бажариб юрадиган педагоглар методист бўлиб ишлайётганини кўряпмиз. Қизиги, улар мактабга келса, фан ўқитувчиси улардан Аэроилдан кўрққандек ҳайқишади.

Бундан ташқари, методистларнинг 99,9 фоизи юқоридан бериладиган топшириқларни бажариш, жадвалларни тўлдириш билан овора, десам, муболага бўлмайди. Биз ҳозир қоғозбозликни камайтиришга ҳар қанча уринмайлик, кунига 2-3 та ҳужжат тўлдирамиз. Методистлар ҳам керакли-кераксиз жадвалларни тўлдириш билан банд ва улар ҳам қоғозбозликни талаб қилиб «текширилади», холос. Қисқаси, билим маканлари статистика марказига айланиб қоляпти. Баъзан кун бўйи фақат рақамлар ва жадвалларга боғлиқ ишлардан бош кўтаролмаймиз. Масалан, яқинда туман ХТБдан «Мактабдаги неча нафар бола ёзи оромгоҳга боради, уларнинг неча фоизи бу вилсиникида дам олади, қанчаси тўғраққа қатнайди?» каби саволлар бор жадвални тўлдириш топшириғи келди. М а к т а б и м и з - даги 1100 нафар ўғил-қизнинг уч ой қаерда юришини қайси жадвалга сиғдириш ва бундан қандай мантқ қидириш мумкин? Бу жадваллар билан болаларнинг савиясини ўстиролмаймиз-ку. Аксинча, синф раҳбарлари ҳам қоғозларга ўралашиб қоляпти-ку. Ҳаммасидан афсусланарлиси, таълимни такомиллаштиришга оид асосий қарорлар тизимнинг куйи қатламига етиб келмаляпти.

Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаларига бўйсинадиган туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари (халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимларининг номи 2019 йилдан эътиборан қисқартирилди, бироқ қоғозбозлик қисқармади.

Бинобарин, вазирлик Низомини бутунлай қайта кўриб чиқиб, тизимнинг замонавий бошқарув тамойилларини белгилашга жиддий аҳамият берилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Гоҳида оддий бир сертификат ёки диплом нусхаси учун ҳам тумандаги барча мактабларнинг фан ўқитувчилари зудлик билан ХТБга чақирилади. Вилоятлардаги чекка ҳудудларда айрим мактаблар туман марказидан 30-40 чақирим узоқда жойлашган ва улар қанча маблағ ва вақт сарфлаб транспортда юриши керак? Топшириқлар ва ҳужжатлар электрон тарзда амалга оширилиб, туман халқ таълими бўлимлари эмас, ҳудудий халқ таълими бошқармалари услубий кўмакчига айланса, айни муддао эмасми?

Ишончимиз комилки, топшириқлар вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан тўғридан-тўғри мактабларга онлайн ташланса, туман ХТБлари вуҷудга келтиряётган сунъий тўсиқлар ҳам бартараф этилади.



Шира БОЙМУРОВА, журналист

**Фарғона вилояти**



# Чала қолган иш қачон охирига етказилади?

«Ishonch» газетасининг 2022 йил 15 январь сонида «Қўрғончалликлар токайгача қийналиб яшайди?» сарлавҳали мақола чоп этилган ва унда Учкўприк тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли 7 минг нафардан ортиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиб келаётган 60-қишлоқ оилавий поликлиникасининг таъмирталаблиги, беморлар учун ҳам, шифокорлар учун ҳам шароит йўқлиги, муолажа хоналари совуқлиги, иссиқлик тизими ишламаслиги, қишнинг совуқ кунларида беморлар ўзлари билан ўтин олиб келиб, хоналарни иситишга мажбур бўлаётгани баён этилган эди.

Мақола газетда чоп этилгач, кўтарилган масала бўйича туман ҳокими, Учкўприк тумани тиббиёт бирлашмаси раҳбарлари поликлиникадаги аҳвол билан танишиб, иссиқлик таъминоти ҳамда бино таъмирлашга муҳтож эканини аниқлашган. Ўрганишлардан сўнг бинонини таъмирлаш ишлари жорий йилнинг февраль ойида бошланган, лекин март ойида тўхтаб қолган.

Таъмирлаш ишлари давомида фақатгина бинонинг олд қисмигагина пардоз берилган. Бино ичидаги ҳолат эса урушдан кейинги харобани эслатади. Хоналардаги тиббиёт жиҳозлари, таъмирлаш ишлари пайтида олиб ташланган иссиқлик батареялари бино ўртасига уйиб ташланган. Таъмирлаш ишлари бинонинг ярмида олиб борилган бўлса-да, бирорта хонада пардозлаш ишлари ниҳоятга етказилмаган. Таъмирлаш ишлари бошланган пайтда хо-

наларнинг эски ромлари олиб ташлангани боис бино очик қолиб кетган. Ташқаридан кўтарилган чанг-тўзон муассасга қияряпти. Бу эса муолажа олишга келаётган беморларга қўллаб-ноқулайликлар туғдирмоқда.

— Бинонини таъмирлаш ишлари бошланганда хурсанд бўлдик, — дейди Умаржон Тўрақулов. — Энди поликлиника чиройли, хоналар иссиқ, асосийси, беморлар учун шароитлар яратилиб, касаллар ўзлари билан ўтин кўтариб келмайди, деб ўйлагандик. Эрта хурсанд бўлибмиз. Муассасада таъмирлаш ишлари йўлда-жўлда қолиб кетди. Биз маҳалла-кўй билан поликлиника тезроқ битсин деб, усталарнинг озиқ-овқатига таъйёрлаб бердик. Аммо шифохонада бирорта ўзгариш бўлмади.

Худуд аҳли ҳам ишларнинг чала ташлаб кетилганидан норози. Мана, уч ойдики, поликлиникада ҳеч қандай таъмирлаш ишлари олиб борилмаяпти.

Бу ердаги усталар поликлиникага яқин жойдаги богчада ишлайётган экан. Улардан поликлиникада нима сабабдан ишлар чала қолдириб кетилганини сўраганимизда, «пулимиз бериб, ишлаймиз-да, қолганини прораб билади», деган жавобни олдик. «Прораб»ни эса топа олмадик. Ҳатто телефон орқали боғланишининг имкони бўлмади.

— Поликлиникадаги аҳволни қаранг, ҳаммаёқ остин-устун, — дейди 62 ёшли Олия-хон Тўрақулова. — Муолажа олгани умуман шароит йўқ. Таъмирлаш ишлари чала қолиб кетган. Ишқилиб, шифохона қишли-қировли кунларга қолмасдан битсин. Бўлмаса, қишда яна ўтин кўтариб келишимизга тўғри келади.

Чала битган хоналардан ташқари, муолажа, патронаж, эмлаш, УАШ хоналарининг таъмирига қўл ҳам урилгани йўқ.

— Мана, ёзининг биринчи ойи ҳам тамом бўляпти. Кўп ўтмай, куз ҳам келади. Аммо негадир мутасаддиларнинг парвойи фалак, — дейди шу ҳудудда яшовчи Зулфия-хон Маннонова. — Муассаса битмаса, кимга қийин, яна биз, аҳолига қийин. Яна қанчогача сарсон бўлиб юраемиз, билмайман...


Таъмирлаш ишларининг охирига етказилмаганидан туман ҳокими ва туман тиббиёт бирлашмаси масъуллари яхши хабардор. Поликлиникада таъмирлаш ишлари нега бошланди-ю, нега тўхтаб қолди? Нима сабабдан таъмирлаш ишлари пайсалга со-

**Мавзуга қайтиб...**



линокда? Муаммо нимада ўзи? Чала қолиб кетган ишлар давом эттирилганими ёки йўқ? Бу саволларга масъуллардан жўяли жавоб кутиб қоламиз.

**Мақсадимиз кимдандир камчилик ёки айб топиш эмас, балки масъулларни тўхтаб қолган ишларни жонлантиришга ундаш, холос. Чунки ёзининг иссиқ кунлари қурилиш, таъмирлаш ишларини олиб бориш учун энг қулай пайтдир. Иссиқ кунлар эса — ғанимат.**



Жамшид ЭРГАШЕВ, «ISHONCH»

